Муаллиф:
27.11.2017 10:12 -




**Богдоднинг кулаши**

*Муаллиф: Мухаммад Султанов*

***Богдоднинг сўнгги кунлари***

**Богдодга йўл**

3-кисм

Мўгуллар тарихидаги энг йирик кенг камровли хужумни бошлашдан олдин, Хулаго мўгуллар тарихидаги энг мухим харбий кенгашни йигади. Ушбу кенгашда Ислом халифалиги пойтахти Богдодга хужумни бошлаш хакидаги карор кабул килинган. Хулаго мўгулларга келиб кўшилган мусулмон кўшинлари саркардаларидан хавотирда эди. Шу сабабли улар ортидан кузатув йўлга кўйилганди. Афсуски, Хулагонинг мусулмон саркардаларидан хавотири ноўрин бўлиб, улардан бирортаси мўгулларга карши чикишни хохламас эди. Аксинча, уларнинг барчаси мўгуллар билан биргаликда Богдодни олишга ёрдам беради. Ушбу сўнгги харбий кенгаш Богдоддан 450 км узокликда жойлашган Эроннинг Хамадон шахрида бўлиб ўтган. Ушбу кенгашда Хулаго ўз кўшинини 3 кисмга бўлишини эълон килади:

– биринчи, яъни асосий кўшин бошкарувини Хулаго ўз кўлига олади. Бу кўшинга Олтин Ўрда хони Ботудан ва Арманистондан жўнатилган аскарлар келиб кўшилиши керак эди. Биринчи кўшиннинг асосий максади Форс ўлкасининг гарбий тогларини Керманшох шахри оркали кечиб ўтиб, Богдоднинг шаркий томонини куршовга олиш бўлган;

– иккинчи, чап канот бўлмиш кўшинни Хулагонинг энг кучли кўмондони Китбугу бошкарган. Ушбу кўшин хам бошкалардан алохида ажралиб Богдодга бошка йўл оркали бориши керак эди. Кўшинни уч кисмга бўлишдан асосий максад мусулмонларнинг разведкасини алдаш бўлиб, улар мўгуллар кўшинининг аник сонини билиб колмаслиги керак эди. Бундан ташкари, Богдодга олиб борадиган хеч бир йўлдан бундай улкан кўшинни бирданига олиб ўтиш имконияти бўлмаган. Иккинчи бўлим олдида турган асосий максад Богдодга жануб томондан келиш, уни жануб ва жануби-шарк томондан камал килиш бўлган. Богдодга атига 450 км колганига карамай, Хулаго ўзининг улкан кўшинини абоссийларнинг жосуслари ва разведкасидан яшириш харакатида эди.Аммо аббосийлар мўгуллар кўшини Богдодга етиб келишига бир неча километр колганидагина бундан хабар топишди;

– учинчи кўшин Европага жўнатилган ва Анатолияга (Туркия шимолида) жойлашган кўшинлардан иборат эди. Ушбу кўшинни мўгулларнинг машхур саркардаси Нўён Байжо бошкарар ва уларнинг максади Богдодга шимол томондан келиб камал килиш эди. Бу

билан Богдод хар томондан тўлик камалда колиши керак бўлган. Аммо ушбу кўшин олдида бир неча мушкул масалалар турган. Биринчиси, бу кўшин Богдодга мўгулларнинг бошка кўшинлар бир бир хил вактда етиб келиши керак бўлган, вахоланки, у даврда чопарлардан бошка хеч кандай алока воситалари бўлмаган. Агар кўшин Хулаго кўшинидан олдин келса аббосийлар кўшини билан тўкнашиши, агар кечикиб келса, Хулаго хам худди шундай вазиятга тушиб колиши эхтимоли бор эди. Аммо Байжонинг тўгри хисоб-китоблари туфайли кўшин манзилга аник вактда етиб борган. Иккинчидан, учинчи кўшин бошка кўшинларга караганда кўпрок масофани кесиб ўтиши керак бўлиб, булар Туркия худудидан 500 км, кейин Ирок худудидан яна 500 км нарида бўлган. Бу худудлар эса мусулмонларга карашли эди. Яъни ушбу кўшин мусулмонларнинг еридан 1000 км йўлни босиб ўтиши керак бўлган, бу эса маълум бир хавф-хатарни ўз ичига олган. Аммо ушбу йўл улар учун хеч кандай хатар етказмади. 95 фоиз йўлни босиб ўтгунича Байжо кўшини хакида аббосийларнинг хабари бўлмаган ва Богдодга 50 км колганда Байжо уларнинг олдида тўсатдан пайдо бўлган. Хулагони хам аббосийлар Богдодга бир кунлик йўл колгандагина билиб колишади. Хулаго хакида аббосийлар хеч кандай хабар олишмаганини тушунса бўлади, чунки Хулаго кўшини асосан мўгулларга карашли бўлган тогли худудлардан келган. Аммо Байжонинг Богдодга шунчалик якин келгунича билишмаганини кандай тушуниш мумкин? Буларга бир неча сабаблар бўлган. Биринчиси, ушбу худудларда аббосийларнинг разведкаси бўлмаган, бундан ташкари, аббосийлар кўшини кандай килиб уруш олиб боришни билмаган, кўмондонлиги оз бўлса хам тажрибага эга бўлмаган. Иккинчидан, бунда Анатолия ва Мосул мусулмон хукмдорларининг хоинлиги жуда катта роль ўйнаган. Ушбу хоинлик мўгулларга Богдодгача бўлган барча эшикларни очган. Шу сабабли Байжо ушбу худудларни сайрга чиккандек осонликча кесиб ўтган. Ўзига эътиборни тортмаслик учун мўгулларнинг одатига карамай, Байжо йўлида хеч ким билан тўкнашиб жанг килмаган, улар эса ўз томонидан уларга хеч кандай каршилик килишмаган. Шунингдек,Байжонинг касос олишидан кўркиб хеч ким аббосийларга хабар бермаган. Анатолия хукмдорлари Кайковус ИИва Килич Арслон ИВ томонидан содир этилган хоинлик бутун ислом олами олдида жуда катта жиноят эди. Аммо Мосул хукмдори Бадриддин Лулунинг хоинлиги хаммасидан хам огир эди. Бадриддин Лулу нафакат мўгулларни ўз ерларидан тўсиксиз ўтишига имконият яратиб берган, балки уларга халифаликдан «Ирокни озод килиш» учун харбий гурух хам кўшиб жўнатган. Бадриддидин Лулуўшанда 80 ёш, бошка манбаларда 100 ёшда эди деб хам айтилган, ўзининг шундай улуг ёшига карамасдан ушбу инсон огир жиноятни содир этган. Шуни хам айтиб ўтиш керакки, ўша вокеалардан бир неча ой ўтгач у вафот этган.

Шу вактда Богдодда... Ўша даврда Богдод дунёнинг энг мустахкам шахри бўлиб, унинг химоя деворлари махв этиб бўлмас деб хисобланган. Бунинг ажабланарли жойи йўк, чунки Богдод беш асрдан буён мусулмон халифалигининг пойтахти бўлиб, уни мустахкамлаш ва химоялаш учун жуда катта маблаг ва мехнат сарфланган эди. Жажла дарёси бўйидаги Буюк Богдод Ислом оламининг тўлаконли маркази ва Шахарлар онаси эди. Макка мусулмонларнинг мукаддас шахри бўлган, лекин халифаликнинг асосий шахарларидан жуда узокликда жойлашагани туфайли сиёсий ва иктисодий марказ бўла олмас эди. Ислом пайдо бўлишидан атиги бир асир ўтгач мусулмон дунёсига аббосийлар

хукмдорлик кила бошлайди ва аббосийларнинг иккинчи халифаси томонидан 762 йил Богдодга асос солинади.

Бирок ушбу гўзаллик ва химоя воситалари етарли бўлмади, уларни химоя килиш учун хакикий мард эркаклар керак эди. Афсуски, Богдодда бундай эркаклар жуда озчилик эди.

***Санжар Кобил*** *таржимаси*